# Парвоз орзуси

## у интилганга насиб этади

Инсон қадим-қадимдан осмонга парвоз этишни орзу қилган. Тепадан туриб ерга назар солиш, унинг тоғларию боғларини, йўлларию дарёларини, баланд-паст биноларини томоша қилиш кимга ёқмайди, дейсиз? Одамлар сайёҳ сифатида фазога чиқиб, она-замин тафтини сезадиган, ердан коинотга, коинотдан ерга чипталар сотиладиган кунлар ҳам узоқ эмасдай.

Тарихдан маълумки, дунёда биринчи марта осмонга парвоз ғоясини буюк итальян рассоми Леонардо да Винче яратган ва парашют чизмаларини тайёрлаган. XX асрнинг бошида парашют инсон ҳаётига кириб келди. 1912 йилда америкалик Алберт Берри илк бора парашют билан самолётдан сакраб, янги даврни бошлаб бергани кўпчиликка аён. Эндиликда парашютизм инсон оғирини енгиллаштиришга хизмат қилаяпти. Кўплаб соҳаларда унга эҳтиёж бор. Жумладан, тиббиёт ходимлари, геологлар, қутқарувчилар, ўт ўчирувчилар, десантчилар бу қулай хизмат туридан фойдаланишаяпти. Дастлабки олти нафар космонавт ҳам парашют гумбазлари остида ерга қўнганидан хабардормиз.

Осмон гумбазига дастлабки йўл аэроклублардан бошланади. Мамлакат ҳаётида унинг ўз ўрни бор. Зарафшон шаҳрида фаолият кўрсатаётган Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси ҳузуридаги "Зар-Дон" авиация техника спорт клуби ҳақида ҳар қанча илиқ сўзлар айтилса ҳам оз. Негаки, 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери бу ерда қанчадан-қанча ёшларнинг орзулари ушалганини зарафшонликлар яхши билишади. Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафларида, Ҳарбий десант қўшинлари, миллий гвардия таркибида хизмат қилаётганлар орасидан ушбу клубда чиниққан ёшларни кўплаб учратиш мумкин.

Аэроклуб фаолиятини унинг раҳбари Дониёр Нуржоновсиз тасаввур этиш қийин. Сурхондарёнинг Шўрчи туманида туғилган Дониёр ака 35 йилдирки, Зарафшонда яшаб, парашют спортини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келаяпти. Ушбу спорт тури бўйича халқаро ва республика мусобақалари совриндори бўлганлиги, анча йиллар бош ҳакамлик қилганлиги туфайлими ҳаётини клуб ташвишларидан айро кўролмайди. Клубга аъзо бўлишни истовчилар кўп.

— Парашют спорти билан шуғулланишни кўпчилик орзу қилади, — дейди Дониёр ака,— лекин, унда сакраш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунга эришиш учун анча-мунча машаққатларни енгиб ўтиш керак. Довюраклик, чаққонлик билан бирга билимдонлик, қатъийликни талаб этади бу иш. Йигит-қизлар 14 ёшдан бошлаб ушбу спорт тури билан шуғулланишлари мумкин. Мактабданоқ ўзининг аниқ мақсади йўлида тайёрланиб бориши, спортни доимий ҳамроҳ билиб, аниқ фанларни чуқур ўрганишлари керак.

Парашют спорти



Аэроклубимизда шарт-шароитлар етарли. "Ан-2" самолёти ва 20 та парашют бор. Ўқув хоналари, дарсликлар, машғулот ўтказиш майдончалари барча талабларга жавоб беради. Руслан Маҳмудов, Сергей Посихов, Арсен Отақулов, Иван Надуев сингари инспекторлар ҳар бир машғулотни пухта тайёргарлик билан ўтказишга одатланишган. Энг муҳими, ўз элининг келажаги, халқининг равнақини кўзлаган ҳомийларимиз борки, улар иқтидорли болаларнинг талаб-истакларини бажо келтиришга ҳар доим ҳозиру нозир. Мана, Марказий кон бошқармаси бошлиғи Андрей Михайлович Кустовни олиб кўринг. У парашют спортини севади, клубимизга тез-тез келиб туради. Етишмовчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилади. Бир ташрифда парашютларнинг эскирганлигини билдиргандим, яқин орада янгиларини олиб беришга ваъда қилди.

Дониёр аканинг фикрларидан ҳам сезилиб турибдики, клуб фаолияти йил сайин такомиллашиб бораяпти. Ҳар йили икки марта парашют кўпкураши бўйича республика мусобақалари айнан Зарафшон шаҳрида ўтказилаётгани ҳам бунинг исботидир. Республика терма жамоасини асосан зарафшонликлар ташкил этади.

Жорий йилнинг март ойида ёшлар ўртасида парашют кўпкураши бўйича республика мусобақаси Зарафшон шаҳрида бўлиб ўтди. Унда бешта вилоятдан келган 40 дан ортиқ спортчилар ўзаро куч синашдилар. Клуб аъзоларидан ташкил топган жамоа яна ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Шахсий ҳисобда "Зар-дон"ликларнинг қўли баланд келди. Артем Ленько, Равшан Шокиров, Александр Сучков бош совринларга лойиқ топилди.

Бугина эмас, спортнинг ушбу тури бўйича маҳаллаларда мусобақалар ва шаҳар биринчилигини ўтказиш анъанага айланган. Шаҳар ҳокимининг муовини Учқун Очиловнинг айтишича, "Геологлар", "Олтин водий", "Баҳор" маҳаллаларидаги шундай тадбирлар кўпчиликда катта таассурот қолдирган. Шаҳар биринчилигида эса юзга яқин спортчилар ўз маҳоратларини намойиш этишган.

Бир сўз билан айтганда, аэроклуб ёшларни Ватан мудофаасига тайёрлашда ўзига хос мактаб вазифасини бажараяпти. Айни пайтда бу даргоҳда 96 йигит-қиз жозибадор спорт сирларини ўрганишаяпти.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги**

**ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАР ИШЛАРИ ҚЎМИТАСИ**

***СУД БОШҚАРУВЧИЛАРИ КУРСИГА ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.***

**Ўқув курсини тугатганлар суд бошқарувчиси гувоҳномасини олиш учун тест имтиҳонларини топшириш ҳуқуқига эга бўладилар.**
**Ўқув курсларининг муддати — 40 кун. Ўқув дастурига ҳуқуқ, мулкни баҳолаш, менежмент асослари киради. Тест имтиҳонларини муваффақиятли топшириб ўқишни тугатган тингловчилар суд бошқарувчиси гувоҳномасини олиш ҳамда иқтисодий ночор корхоналарга хўжалик суди қарорлари асосида мувaққат санация қилувчи, ташқи ва тугатиш бошқарувчиси сифатида ишга таклиф қилинадилар.**

**Ўқув курсига киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

- *ўқув курсига қабул қилиш учун ариза;*
- *кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа;*
- *иқтисодчи, ҳуқуқшунос ёки муҳандислик бўйича олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;*
- *меҳнат дафтарчасининг нусхаси;*
- *паспорт шахсан тақдим этилади.*

**Ҳужжатларни топшириш муддати:**

- ***Тошкент шаҳрида яшовчилар — 2003 йил 2 сентябргача;***
- ***Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда яшовчилар — 2003 йил 10 сентябргача.***

**Ўқув курсига киришни хоҳловчилар янада тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун қуйидаги манзилларга мурожат қилишлари мумкин:**

***- Тошкент ш., Ўзбекистон к., 55-уй, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси, 11,12-хоналар. Телефонлар: 139-21-56, 139-21-57, 139-21-60.***

**Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига:**

- Қорақалпоғистон Республикаси: Нукус ш., Дослик гузари, 96-уй. Телефон: (3612) 22-03-00;
- Андижон вилояти: Андижон ш., А.Навоий к., 126-уй. Телефон: (3742) 25-29-62;
- Бухоро вилояти: Бухоро ш., Мустақиллик к., 6-уй. Телефон: (3652) 23-18-12;
- Жиззах вилояти: Жиззах ш., Ш.Рашидов к., 63-уй. Телефон: (3722) 26-12-59;
- Қашқадарё вилояти: Қарши ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 3-уй. Телефон: (3752) 21-18-21;
- Навоий вилояти: Навоий ш., Х.Дўстлиги к., 73-«А» уй. Телефон: (4362) 23-38-81;
- Наманган вилояти: Наманган ш., Хива к., 3-уй. Телефон: (3692) 26-48-26;
- Самарқанд вилояти: Самарқанд ш., Кўк-сарой майдони, 1-уй. Телефон: (3662) 35-48-72;
- Сурхондарё вилояти: Термиз ш., Ф.Хўжаев к., 17-уй. Телефон: (3762) 23-04-42;
- Сирдарё вилояти: Гулистон ш., 3-мавзе, Бизнес маркази, 77-хона. Телефон: (3672) 26-57-45;
- Тошкент вилояти: Тошкент ш., А.Темур к., 24-уй. Телефон:132-07-00;
- Фарғона вилояти: Фарғона ш., А.Навоий к., 13-уй. Телефон: (3732) 24-71-23;
- Хоразм вилояти: Урганч ш., Ал-Хоразмий к., 23-уй. Телефон: (3622) 26-24-63;
- Тошкент шаҳри: Тошкент ш., А.Темур к., 24-уй. Телефон: 132-07-03.












«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси девоннинг масъул ходими Ойбек Ёқубжоновга акаси
**Қаҳрамон ЁҚУБЖОНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти жамоаси институт маслаҳатчиси, йирик иқтисодчи олим, Ўзбекистон Республикаси ФА академиги
**Саидкарим ЗИЁДУЛЛАЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Фарғона саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори
**Қаҳрамон ЭРГАШЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри директор ўринбосари Паҳлавон Рашидовга турмуш ўртоғи
**Светлана РАШИДОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзавтойўл» давлат акционерлик концерни йўл жамоалари Ўзбекистон автомобиль йўлларни қуриш ва фойдаланиш «Ўзавтойўл» давлат акционерлик концерни ижро органининг ижтимоий масалалар ва йўлларни ободонлаштириш бўйича бош мутахассиси Мирахмат Мирқосимовга опаси
**Раъно ОБИДОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти жамоаси илмий ходим
**Ақидахон ИСРОИЛОВАнинг**
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:** Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 768. 22690 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5 6